

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ  
ҚАРОРИ

**529** Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим қарорларига ўзгартиш ҳамда қўшимчалар киритиш тўғрисида («Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида» 2016 йил 25 апрелдаги ЎРҚ–405-сонли Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 6-моддаси)

«Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида» 2016 йил 25 апрелдаги ЎРҚ–405-сонли Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 6-моддасига мувофиқ ҳамда ер қаъридан оқилона фойдаланишни янада таъминлаш мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим қарорларига иловага мувофиқ ўзгартиш ва қўшимчалар киритилсин.

2. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари, молия вазири Р. Азимов ва Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Ф. Ибрагимов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси**  
**Президенти вазифасини бажарувчи**

**Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент ш.,  
2016 йил 9 ноябрь,  
ПҚ–2655-сон

---

*Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2016 й.*

Ўзбекистон Республикаси  
Президентининг 2016 йил 9 ноябрдаги  
ПҚ–2655-сонли қарорига  
ИЛОВА

**Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим  
қарорларига киритилаётган ўзгартиш ва қўшимчалар**

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 7 июндаги ПҚ–649-сонли қарори билан тасдиқланган ер қаъри участкаларидан фойдаланиш ҳуқуқини бериш тартиби ва шартлари тўғрисидаги низомнинг:

а) 1-банди саккизинчи хатбошидаги, 6-параграф номидаги, 23, 24, 38, 43-бандларидаги, 47-банднинг тўртинчи хатбошидаги «алоҳида» деган сўз чиқариб ташлансин;

б) 5-банднинг иккинчи хатбоши қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Ер қаърини геологик ўрганиш учун белгиланган тартибда тасдиқланган лойиҳа-смета ҳужжатлари минерал-хом ашё базасини ривожлантириш ва қайта ишлаб чиқариш давлат дастурлари доирасида Давлат бюджети маблағлари ҳамда ташкилотларнинг шахсий маблағлари ҳисобидан уни геологик ўрганишда ер қаъри участкаларидан фойдаланиш ҳуқуқи пайдо бўлиши учун асос ҳисобланади»;

в) 49-банднинг биринчи хатбоши қуйидаги таҳрирда берилсин:

«Ер қаърини геологик жихатдан ўрганиш бўйича ишларни молиялаштирган юридик ва жисмоний шахслар ўзлари разведка қилган конда фойдали қазилмаларнинг захиралари белгиланган тартибда тасдиқланган санадан бошлаб бир йил мобайнида фойдали қазилмаларни кавлаб олиш учун лицензия олиш юзасидан мутлақ ҳуқуққа эгадирлар.»

г) қуйидаги мазмундаги 49<sup>1</sup>-банд билан тўлдирилсин:

«49<sup>1</sup>. Ер қаърини геологик ўрганиш бўйича ишларни молиялаштирган юридик ва жисмоний шахсларга мутлақ ҳуқуқ берилган муддат тугаганидан сўнг улар томонидан разведка қилинган конда фойдали қазилмаларни кавлаб олиш учун лицензия олишга очиқ савдоларда уларнинг устувор ҳуқуқи сақланиб қолади».

д) 72-банд қуйидаги мазмундаги хатбоши билан тўлдирилсин:

«Очиқ савдоларнинг иштирокчиси томонидан молиялаштириш манбалари кўрсатилган ҳолда ер қаърини геологик ўрганиш бўйича ишларни молиялаштирганини тасдиқлайдиган ҳужжатлар тақдим этилганда, бошқа тенг шарт-шароитларда у очиқ савдолар ғолиби деб эътироф этилади.».

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011 йил 2 майдаги ПҚ–1524-сонли қарори билан тасдиқланган норуда фойдали қазилмаларни ўз ичига олган ер қаъри участкаларидан фойдаланиш ҳуқуқи учун лицензиялар бериш тартиби тўғрисидаги низомнинг:

а) 6-банди қуйидаги мазмундаги хатбоши билан тўлдирилсин:

«Ер қаърини геологик жихатдан ўрганиш учун белгиланган тартибда тасдиқланган лойиҳа-смета ҳужжатлари минерал-хом ашё базасини ривож-

лантириш ва қайта ишлаб чиқариш давлат дастурлари доирасида Давлат бюджети маблағлари ҳамда ташкилотларнинг шахсий маблағлари ҳисобидан уни геологик ўрганишда ер қаъри участкаларидан фойдаланиш ҳуқуқи пайдо бўлиши учун асос ҳисобланади»;

б) 32-банднинг биринчи хатбоши қуйидаги таҳрирда берилсин:

«Ер қаърини геологик жиҳатдан ўрганиш бўйича ишларни молиялаштирган ер қаъридан фойдаланувчилар ўзлари разведка қилган конда фойдали қазилмаларнинг захиралари белгиланган тартибда тасдиқланган санадан бошлаб бир йил мобайнида норуда фойдали қазилмаларни кавлаб олиш учун лицензия олиш юзасидан мутлақ ҳуқуққа эгадирлар.»

в) қуйидаги мазмундаги 32<sup>1</sup>-банд билан тўлдирилсин:

«32<sup>1</sup>. Ер қаърини геологик жиҳатдан ўрганиш бўйича ишларни молиялаштирган талабгорларга мутлақ ҳуқуқ берилган муддат тугаганидан сўнг улар томонидан разведка қилинган конда фойдали қазилмаларни кавлаб олиш учун лицензия олишга очик савдоларда уларнинг устувор ҳуқуқи сақланиб қолади».

г) 54-банд қуйидаги мазмундаги хатбоши билан тўлдирилсин:

«Талабгор томонидан молиялаштириш манбалари кўрсатилган ҳолда ер қаърини геологик жиҳатдан ўрганиш бўйича ишларни молиялаштирганини тасдиқлайдиган ҳужжатлар тақдим этилганда молиявий таклиф суммасига ер қаърини геологик ўрганиш бўйича ишларни молиялаштиришга сарфланган тегишли сумма кўшилади. Бунда ер қаърини геологик ўрганиш бўйича ишларни молиялаштириш харажатларининг қўшилган суммаси молиявий таклиф сифатида Давлат бюджетига тўланмайди.

3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 30 октябрдаги ПҚ-1843-сонли қарори билан тасдиқланган солиқ тўловчиларнинг мажбуриятлари пайдо бўлиши (тугатилиши) тўғрисида маълумотларни давлат солиқ хизмати органларига тақдим этадиган идора ва ташкилотлар Рўйхати 33-позициясида, «Тақдим этиладиган маълумотларнинг номи устунининг 6-бандидаги «алоҳида» сўзи чиқариб ташлансин.